

шартномани рўйхатга олиш номери ва санаси ўзгарганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади, бу ҳақда қўшимча битим тузилади.

4.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишуви бўйича;
- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаганда;
- ижарага олинган кабель канализациясидан бир таквим йили мобайнида фойдаланилмаганда;
- бир томоннинг ёзма огоҳлантиришларига карамай иккинчи томон шартнома шартларини мунтазам бузганда;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

4.4 Шартнома бир томонлама бекор қилинганда бекор қилишни хоҳлаган ташаббускор томон иккинчи томонни шартномани бекор қилиш санасидан камида уч таквим ойи олдин расмий равишда хабардор қилади.

4.5 Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар шартномага тегишли қўшимчалар расмийлаштирилганда томонларнинг ўзаро келишувига кўра бир хил юридик кучга эга бўлади ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 Томонлар фойдаланаётган телекоммуникация линия иншоотлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва ушбу Шартномага мувофиқ ўзларининг жавобгарлик зоналари ва чегараларини ҳисобга олган ҳолда жавобгар бўладилар.

5.2 Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки керакли даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Айбдор томон бой берилган фойдани ҳисобга олган ҳолда зарарни қоплайди.

5.3 Ушбу Шартноманинг 3-бўлимига мувофиқ ижара ҳақи тўланмаганда, тўлиқ тўланмаганда ёки ўз вақтида тўланмаганида Ижарага олувчи Ижарага берувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдориди, аммо тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4 Ижарага олувчи олдидаги мажбуриятларини бажармаганлиги ёки керакли даражада бажармаганлиги учун Ижарага берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5.5 Кабель канализациясини Ижарага берувчи ушбу Шартнома шартлари Ижарага олувчи томонидан бузилган тақдирда бу ҳақда Ижарага олувчини ёзма шаклдаги кўрсатма орқали хабардор қилиб, шартноманинг амал қилишини бу бузилиш баргараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйишга ҳақли. Кўрсатмада қайд этилган бузилишлар белгиланган муддатларда

баргараф этилмаса, Ижарага берувчи ушбу шартноманинг 2.4.12-бандига биноан уни бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

5.6 Ижарага олувчининг кабеллари ишдан чиқса етказилган зарар ижарага олувчи томонидан ишларни бажаришга жалб этилган пудратчи томонидан қопланади.

5.7 Ушбу Шартнома бўйича юзага келадиган мунозарали масалалар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Музокаралар йўли билан ижобий ҳал қилинмаган ҳолда мунозарали масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарнинг жойлашган жойи бўйича Иқтисод судида ҳал қилинади.

5.8 Агар томонлар бир-бирлари олдидаги мажбуриятларини енгиб бўлмас куч таъсирида юзага келган ҳолатлар ёки форс-мажор ҳолатлар оқибатида бажармаган ёки тўлиқ бажармаган бўлсалар, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

6. Форс-мажор

6.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки керакли даражада бажарилмаганлиги ушбу Шартнома талабларининг бажарилишига таъсир кўрсатган енгиб бўлмас куч оқибатида юзага келган бўлса, у ҳолда томонлар жавобгарликдан озод қилинади.

6.2 Енгиб бўлмас куч ҳолатлари деб қуйидагилар тан олинади: ёнғин, табиий офатлар, давлат ҳокимияти органларининг олдиндан билиб бўлмайдиган ҳаракатлари, ёвуз ниятли одамларнинг ҳаракатлари (ўғирлик шикаст етказиш).